

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ
АГЕНТЛИГИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

**148 Рақамли назорат қурилмаларидан фойдаланиш
тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
26 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2346*

(2012 йил 5 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 22 декабрдаги 340-сонли «Автомобилда халқаро юк ташийдиган автотранспорт воситаларига рақамли назорат қурилмаларини жорий этиш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 51-сон, 546-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **бююраман:**

1. Рақамли назорат қурилмаларидан фойдаланиш тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Бошлиқ

А. АБДУВАЛИЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 27 февраль,
35-сон

Ўзбекистон автомобиль ва дарё
транспорти агентлигининг 2012 йил
27 февралдаги 35-сон буйруғига
ИЛОВА

**Рақамли назорат қурилмаларидан фойдаланиш тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 22 декабрдаги 340-сон «Автомобилда халқаро юк ташийдиган автотранспорт воситаларига рақамли назорат қурилмаларини жорий этиш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 51-сон, 546-модда) мувофиқ халқаро йўналишларда юк ва йўловчи ташувларини амалга оширишга мўлжалланган автотранспорт воситаларидаги рақамли назорат қурилмаларидан (тахографдан) фойдаланиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

I боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Йўриқнома талаблари халқаро йўналишларда юк ва йўловчи ташувларини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар ва рақамли назорат қурилмаларини ўрнатиш, қиёслаш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва тамғалаш бўйича фаолият олиб борувчи юридик шахслар (бундан буён матнда устахона деб юритилади) учун мажбурий.

2. Мазкур Йўриқномада куйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

рақамли назорат қурилмасини автотранспорт воситасига идентификация қилиш — автотранспорт воситасининг рақамли назорат қурилмаси хотирасида сақланиб қоладиган параметрларини янгилаш ва тасдиқлаш;

рақамли назорат қурилмасига техник хизмат кўрсатиш — рақамли назорат қурилмасини уни ишлаб чиқарувчининг йўриқномасига мувофиқ ишчи ҳолатига олиб келувчи техник операциялар (автотранспорт воситасига идентификация қилиш, рақамли назорат қурилмасини ишга тушириш, рақамли назорат қурилмасидан маълумотларни ўқиш);

рақамли назорат қурилмасини тамғалаш — рақамли назорат қурилмасини пломбалаш, унга қиёслаш баённомасида белгиланган маълумотлар ва устахона махсус белгиси туширилган пластинкаларни ўрнатиш.

II боб. Рақамли назорат қурилмасини ўрнатиш ва қиёслаш

3. Фойдаланишдаги автотранспорт воситасига рақамли назорат қурилмаси устахона томонидан ўрнатилиши мумкин.

4. Автотранспорт воситаларига ўрнатилган рақамли назорат қурилмасини қиёслаш устахона ёки «Ўзстандарт» агентлиги томонидан амалга оширилади.

5. Автотранспорт воситаларига ўрнатилган рақамли назорат қурилма бир йилда камида бир марта қиёсланади. Рақамли назорат қурилмаси таъмирлангандан ва техник хизмат кўрсатилгандан кейин қиёсланганлик муддатидан қатъи назар, қайта қиёсланиши лозим.

6. Қиёслаш натижасида рақамли назорат қурилмасини фойдаланишга яроқлилиги аниқланади.

7. Рақамли назорат қурилмасининг яроқлилиги қиёсланганлик тўғрисидаги гувоҳнома билан тасдиқланади. Рақамли назорат қурилмасини қиёсланганлик тўғрисидаги гувоҳнома бир йил давомида сақланади.

8. Рақамли назорат қурилмасидан кейинги фойдаланиш имкониятини ўрганиш бўйича калибрлаш ишлари олти йилда камида бир марта ўтказилиши шарт.

III боб. Рақамли назорат қурилмасига техник хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш

9. Рақамли назорат қурилмасига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш фақат устахона томонидан амалга оширилади.

10. Рақамли назорат қурилмасига бир йилда камида бир марта техник хизмат кўрсатилади. Қиёслаш натижаларида оғишлар аниқланган тақдирда ҳам техник хизмат кўрсатилади.

11. Таъмирлаш қўйидаги ҳолларда ўтказилади:

фойдаланиш жараёнида носозлик аниқланганда ҳайдовчи талаби бўйича;

техник кўрик жараёнида носозлик аниқланганда;

қиёслаш вақтида носозлик аниқланганда.

IV боб. Рақамли назорат қурилмасини тамғалаш

12. Рақамли назорат қурилмасини тамғалаш уни ўрнатган, унга техник хизмат кўрсатган, таъмирлаган ёки қиёслаш ишларини бажарган устахона томонидан амалга оширилади.

13. Рақамли назорат қурилмасини тамғалаш ишлари қурилма ўрнатилгандан, унга техник хизмат кўрсатилгандан, таъмирлангандан ёки қиёслаш ишлари бажарилгандан сўнг амалга оширилади.

14. Устахона пломбага босиладиган махсус белгига эга бўлиши шарт.

15. Рақамли назорат қурилмасини пломбалашда ишлатиладиган пломбалар учун устахонанинг қўйидаги махсус белгилари ишлатилади: «UZ — XXX», бу ерда XXX — устахонанинг тартиб рақами.

16. Рақамли назорат қурилмасини автотранспорт воситасига идентификация қилинганлиги тўғрисидаги пластинка ўзи елимланадиган ва уни олиб ташлашга уринилганда зарарланиб қоладиган бўлиши лозим.

17. Рақамли назорат қурилмаси пластинкасида қиёслаш баёнмасида ва рақамли назорат қурилмасини автотранспорт воситасига идентификация қилиш баёнмасида белгиланган маълумотларга мувофиқ қўйидаги маълумотлар кўрсатилиши шарт:

рақамли назорат қурилмасига техник хизмат кўрсатувчи устахонанинг махсус белгиси;

автотранспорт воситасининг характеристик коэффициентлари « $k = \dots \text{ г/км}$ » ёки « $w = \dots \text{ іпр/км}$ »;

автотранспорт воситаси филдираги шиналарининг эффектив айланаси « $L = \dots \text{ мм}$ »;

рақамли назорат қурилмаси константаси қўйидаги шаклда « $k = \dots \text{ г/км}$ » ёки « $w = \dots \text{ іпр/км}$ »;

рақамли назорат қурилмасининг автотранспорт воситасига идентификация қилинган санаси.

V боб. Рақамли назорат қурилмасидан фойдаланишда ҳайдовчиларга талаблар

18. Ҳайдовчи фақат ўзининг карточкасидан фойдаланиши шарт.

19. Қатновда иккита ҳайдовчи иштирок этган ҳолда иккинчи ҳайдовчи-

нинг ҳайдовчи карточкаси рақамли назорат қурилмасига биринчи ҳайдовчининг ҳайдовчи карточкаси ўрнига автотранспорт воситаси тўлиқ тўхтагандан кейин ўрнатилиши керак.

20. Ҳайдовчи:

фақат соз ҳолдаги рақамли назорат қурилмасидан фойдаланиш;
рақамли назорат қурилмасининг носозлигини аниқлаганда уни алмаштириш ва таъмирлаш чораларини кўриш;

меҳнат ва дам олиш режимига риоя қилиши шарт.

21. Ҳайдовчига қўйидагилар тақиқланади:

рақамли назорат қурилмаси, спидометр ва юритма датчигидаги пломба-ни узиш;

диаграмма тасмаси ўрнатилмаган рақамли назорат қурилмасидан фойдаланиш;

автотранспорт воситасининг ҳаракати давомида рақамли назорат қурилмасидан ҳайдовчи карточкасини чиқариш;

рақамли назорат қурилмасини очиш;

диаграмма тасмасини алмаштириш;

рақамли назорат қурилмасини мустақил равишда таъмирлаш;

рақамли назорат қурилмасини электр тармоғидан узиш.

VI боб. Яқуний қоида

22. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

2012 йил 28 январь

*«Ўзстандарт» агентлиги
бош директори*

А. АБДУВАЛИЕВ

2012 йил 28 январь

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ШАЙХОВ

2012 йил 28 январь